**“Тахиатош ИЭС” АЖда Ёшлар сиёсати йўналишида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот**

“Taxiatosh IES” АЖда бугунги кунда 102 **нафар** ёшлар (**12,5%**) ишлайди. “ИЭС” АЖ ва унинг тизимидаги корхоналарда Ёшларга оид олиб борилаётган Давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, тармоқ корхоналарида меҳнат қилаётган ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишларини қўллаб- қувватлаш, ёшларнинг халқаро стандартлар асосида касблар эгаллаши, иқтидорли, тараққиётга хизмат қилувчи инновацион ғоялар, илмий техник лойиҳалар, ихтиролар ва таклифлар билан фаол иштирок этиб келаётган ёш мутахассисларни аниқлаш, касбий маҳоратини ва билим даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиб, уларни рағбатлантириш учун турли йўналишларда ишлар олиб борилмоқда. Корхонамиздаги ёшларни қўллаб қувватлаш бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш мақсадида касаба уюшмаси, Спорт тарғиботчиси ҳамда ёшлар иттифоқи билан биргаликда белгиланган чора-тадбирга асосан ҳар ойда ишчи ходимлар ўртасида спорт мусобақалари ташкиллаштирилиб қимматбоҳо совғалар билан тақдирланиб келинмоқда. Корхонада фаолият юритаётган ёшлар махоратини янада кучайтириш мақсадида устоз ва шогирд анъанаси давом жтиб келмоқда.

**2024 йилнинг январь** ойида тизим корхоналарида 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган “Мамлакатимиз қуролли кучлари – тинчлик ва осойишталигимиз гарови” мавзусида “Ватанпарварлик” ойлиги муносабати билан турли давра суҳбатлари, мулоқот ва туркум учрашувлар ташкил этилди, ҳамда ёшлар ўртасида қувноқлар ва зукколар кўрик танлови ўтказилди танловда ғолиб бўлган командалар совғалар билан тағдирланди.

**Жорий йилнинг февраль** ойида Мамлакатимизда Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ҳамда буюк шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишлаб ёш китобхон ҳамда ёш рассом тадбирлари ўтказилди.

**Жорий йилнинг март** ойида “ИЭС” АЖ да ва унинг тизим корхоналарида “8 Март-Халқаро хотин қизлар куни” тантанали нишонланди ва Станцияга кириб келаётган аёллар гуллар ва совғалар билан кутиб олинди. Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлаш ҳамда муборак Рамазон ойини карши олишга тайёргарлик кўриш, маҳаллалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида, “Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки” шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

“Taxiatosh IES” АЖда Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш мақсадида турли хил тадибирлар ташкил этилди.

**Жорий йилнинг апрель** ойида “Тахиатош ИЭС” АЖ Ёшлар иттифоқи томонидан жорий йилнинг апрел ойида Жамиятимиз ёш ходимлари томонидан корхона объектлари, уларга туташ худудларда "Биз янги боғлар яратамиз!" аксияси уюшқоқлик билан ўтказилди.

**Жорий йилнинг май ойида** “Тахиатош ИЕС” АЖ маъмурияти ҳамда касаба уюшмаси билан ҳамкорликда Тахиатош туманида ўтказилган 9-май “Хотира ва қадрлаш куни”да қатнашиб мотамсаро она ҳайкалига гул қойилиди.

**Жорий йилнинг июнь ойида** Июн ойи ёшлар ойлиги муносабати корхонамаизда фаолият юритаётган ёшларимизга байрам муносабати билан дам олиш масканида спортнинг шахмат ҳамда стол теннис турлари бўйича мусобақа ташкиллиаштирилди.

Корхонамиз иқтидорли ёшлари ўртасида байрам муносабати билан “Заковат” интеллектуал ўйинлари ташкил этилди ҳамда ғолиблар муносиб тағдирланди.

Режага асосан корхонамизда раҳбар ва ёшлар учрашуви ташкил этилиб ёшларимиз қизиқтираётган савол ва таклифлар корхонамиз раҳбари танишиб тегишли ходимларга муаммо ва таклифлар бўйича кўрсатмалар берилди.

30-июнь ёшлар куни муносабати билан корхонамизда фаолияти юритаётган намунали ёш ходимлар ота-оналарига ташаккурнома ҳамда совғалар тақдим қилинди.

Байрам муносабати билан корхонамиз дам олиш масканида таниқли хонандалар ижросида концерт дастури ташкил эитилиб ёшлар ойлиги корхонамиз ёшлари учун кўтаринки кайфиятда ўтди.

**Жорий йилнинг июль ойида** корхонамизга бириктирилган маҳалладаги оғир тоифада ёшлар билан корхонамиз раҳбари учрашув ўтказиб ёшларнинг муаммо ва таклифлари ўрганилиб натижада маҳалладаги 2 ёшнинг ўзини ўзи банд қилинишида ҳамда 1 ёшнинг доимий ишга жойлашишида амалиё ёрдам берилди.

**Жорий йилнинг август ойида** корхонада икдидорли ёшларни излаб топиш ва уларга ўз имкониятларини юзага чиқариш учун шароит яратиш мақсадида “Заковат” интеллектуал ўйини ташкил этилди ўйинда ғолиб бўлган командалар касаба уюшма томонидан қимматбаҳо совғалар билан тағдирланди.

**Жорий йилнинг сентябр** ойида ватанимиз мустақиллигига бағишлаб спорт тадбирлари бўлиб ўтди тадбирга ғолиб бўлган командалар касаба ушмаси томомонидан қимматбаҳо совғалар билан тағдирланди.

**Жорий йилнинг октябр** ойида “Ёшларга оида давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш – устувор мақсад” тўғрисидаги 40 соатли дастур бўйича ёшлар етакчиси “Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясисининг малака ошириш институти” малакасини оширди ҳамда тегишли сертификатга эга бўлди.

**Жорий йилнинг ноябрь ойида** касаба уюшмаси куни муносабати ёшлар ўртасида белгиланган режа асосида “заковат” интеллектуал ўйини бўлиб ўтди ўйинда ғолиб бўлган командалар касаба ушма томонидан қимматбаҳо совғалар билан тағдирланди.

Ёшлар етакчиси М.Тажибаев